

Абдулла Кодирый «Муштум» ойномасининг 1928 йилги 27-сонида Овсар имзоси билан «Йигинди гаплар» маколасини эълон қиладилар. Бу макола ўша пайтда акллар орасида кўп гап-сўз ва турли мулохазаларга сабаб бўлади. Адиб Ўзбекистои Жиноят Конунлари мажмуасининг «Рахбар ходимларни обрўсизлантириш» деган моддаси билан кораланади. Карийб уч ойлик сўрок-терговдан сўнг, ёзувчи судда ўзининг ҳақлигини исботловчи ёзма нутқини ўқиб берадилар. Адибнинг ана шу нутқини ўқувчилар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик. Ундаги «Кулги ҳақида» ва «Таржимаи ҳол» бўлимлари марҳум отамиз — Ҳабибулло Кодирый тайёрлаган Абдулла Кодирый китобларида, мақолаларида қисман фойдаланилганлиги сабабли, уларни ушбу матндан тушириб қолдирдик.

Шеркон КОДИРИЙ

Мен 1926 йилнинг 10 нчи январдан 10 нчи февралигача отпусқага кетиб, дам олиб юрганымда, бу «Йигинди гаплар» ном мақолани ёзгонман. Отпусқадан қайтқандан сўнгра, 14—15-числода навбатдаги чикатургон «Муштум» журналининг сони учун материаллар тайёрлагонимда, уларнинг ичида бу мақолани ҳам кўшиб масъул муҳаррир Комил Алимовга олуб боргонман. Масъул муҳаррир Комил Алимов ҳалиги «Йигинди гаплар» ном мақолани меним кўлумдан олиб, ўзининг кабинетида баланд овоз билан ўқуб берди. Ул мақолани ўқуб берган вақтида, унинг кабинетида ўртоқ Ғози Юнус, Санжар Мирмахмудов ва контўршик (конторачи — Ш. К.) Ҳалучаев бор эди. Масъул муҳаррир Алимов мақолани ўқуган вақтида, баъзи жойларини ҳато ўқугони учун мен тузатиб турдим. Кейин, ўқув тамом қилгондан сўнг, «хўб, бостирайлик», деди ҳам «яхши кетди», деб кўшимча қилди ва мен бостиргонман, чунки Алимов ижозат бермаган ҳолда, табиий, мақоланинг материали йирткиланиб ташланса керак эди.

Мақолани, масъул муҳаррир Алимовга курсатмасдан илгари, Зиё Саидийга ҳам ўқуб берган, худди бошлагонимда ходисанинг тепасига Хуршид ҳам кириб қолди. Мен ўқуб бергандан сўнг, «кўб яхши кетди» деб мактаб юборди. Бу англашилмовчиликдан илгари расмий яъни идорага қелган мақолани бостириш ёки бостирмаслик тўғрисида муҳаррир резолюция солмас эди. Ўшанинг учун бу мақола резолюциясиз бостирилгон. Расмий факат журналнинг 28-сонидан бошланди.

Бу мақола факат қулғу тариқасида ёзилгон, ҳеч бир ҳукуматга ёки сиёсатга тегадиган жойи йўқ. Мақола босилуб, журнал тарқалгондан сўнгра, беш-ўн кунча ўтқандан сўнгра, Алимов Самарқанддан қайтуб қелди ва мени ўзининг олдига чакиртириб, «нимага

бостирдинг, мен ижозат бермаган эдим», деди. Мен «сен ижозат бердинг, мен бостирдим»», деб жанжаллашдим.

Маколани Алимовнинг кабинетида ўқугонда, Зиё Саидий йўк эди ҳам кирган эмас, шахсий адоватга кетуб, «бор эдим», деб гапирадур.

Бу гувоҳларнинг мундок гапириши факат шахсий адоватдан иборат, чунки бирон вақт жонларига теккан бўлсам керак, аммо қай тариқада уларга гап тегдирганимни айта олмайман. Гувоҳ Зиё Саидийни оғзаки танкид қилар эдим. Матбуотда танкид қилганим йўқ. Кискаси, умуман, Зиё Саидий ва бошқалар манга қарши бўлгонлари учун ёлгондан гувоҳлик берадурлар.

«Йигинди гаплар» маколасини маънисини, келган-кетган гаплар, деган сўздир ҳам факат кулги тариқасида ёзилгондир...

Маним 27 нчи сон «Муштум» журналидаги «Йигинди гаплар» сарлавхалик кулги маколам ҳам шу асосларга солиниб ёзилгон сажиявий чин кулги эди. Мазкур маколадаги максадим, кулги мезони билан харфат жадидга олингонда, қуйидаги мазмунлар хар кимга, хар бир гўдакка ошқора бўладур: Макаланинг биринчи устун тўртинчи йўлидаги «Ўзбекнинг ишчиси, дехкони, маорифи, шалтай-балтайини алх ухлайди» (алх — ҳаммаси барчаси) жумласи факат муболага мақомида қўллангон бир гапдир. Мундан бошқа маънолар чиқариш ҳаёлот ёки васвасадир. Зеро, бошида бир оз муҳокамаси бўлгон хар бир киши Ўзбекистоннинг Улуг Ўқтабр инқилобига ҳама бўлгон ҳоли билан, Ўқтабрдан кейинги тўққиз йил ичидаги интибоҳини (уйғониш) (ижтимоиятда, илм ва маданиятда, ҳулоса ҳам бир жаҳҳада) чиқишдириб кўрса, ўзини ҳамон бошқа бир оламда ҳис этадир. Бас мундаги жумла муболага орқалик ишчи-деҳконни қитқлаш, яъни уни яна ҳам юқори томонга қараб судраш мақсадида келтирилган: Бу жумла зоҳирий тузулишдан муболага-кулги, ички маънодан қитқлаш. Турмушдан мисол келтирилганда, масалан: Тошпўлат аканинг бир ўғли бор; Тошпўлат ака ўғлининг ишга ихлосини, ўз ишида муваффақиятини яхши биладир. Лекин шундоғ бўлса ҳам, ўғлини «сен ялқовсан, одам бўлмайсан!», деб қамситадир. Бу қамситиш, яъни пўписа, қамситилгучининг қиндан ҳам ялқов ва гафлатда эканини кўрсатмайдир, балки унинг яна ҳам излатишга ва ўз нуқсонини қидириб тагин ҳам юқориланишга хизмат этадир.

Мазкур жумладан кейинги: «Аммо ўчоқ бошини ҳоли топқон олақаргалар бўлса, ҳўбам билган номаъқулчилигини қияпти?» жумласидирки, мазмуни ҳаммага ҳам яширин эмас:

Чор ва сармоя ҳукуматининг Ўзбекистонда колгон ва кўй терисига бурканиб эски хўжаликни димогидан чиқаролмогон жониворлари ҳамон шўро идораларида ҳукм сурадилар. Албатта улар кўлларида келганича, ишчи-деҳкон иқтисодига ва шу восита орқалик унинг маориф ва маданиятига зарба беришга тиришадилар. Ҳам зарарликда шулар каторидан қолишмайдиргон, фақат ўз шахсий роҳати йўлида элни эмиб, қайғусиз, гоҳсиз, эчкининг оти Абдуқарим бўлиб, етмаса игвогарлик билан кун кечирувчи ўзининг баъзи столпараст, танпараст шахсларимиздан киноядир. Мундан кейинги — «Қилаверсин, эғасига товок-қошиқ керак бўлса, ахир бир кун катрон-патрон қилуб оларов, оғайни! Ишқилуб ўлмасдан баҳорга чиқиб олсамиз бўлимти...» Бу ердаги эға ишчи, деҳқондир ва чиқилайдиргон баҳор уларнинг юқалиб чин социализмга етишмақларидир. Яъни ишчи-деҳқонларимиз иқтисодан юқалиб, маърифатан юқорилашсалар, ўшандай зарарлик мустамлақачи ва бошқа унсурлардан қутилурлар, катрон қилиб уларни йўқотурлар, юварлар, деган маънода.

«Ерқилашдириш, ўзбеклашдириш...алх». — Бизда бир хил қишлар бор, яъни зиёлинамолар. Ўзлари амалда бир пуллик иш қилмайдилар, аммо оғизда кўча қаситиб, қасратлануб юрибдилар. Маққур жумқалар ўшандай ишсиз, фақат қасратигагина таянгон унсурлардан киноядир. Масалан: «Ерқилашдиришдан ҳеч бир натижа қикмади, қалон иш билан мундай қолатга тушдим, қасратингни қимга айтасан», деб юрғувчи олифталарга ҳамма вақт учрашқладир. Овсар бўлса уларга «қибигни олдиға қасрат қил, ҳезлар!», деб заҳарқанда ққладир. Юқорида зикр қилингонидек, мақсадлари фақат мансабдан, қайғу-сақодан иборат бўлгон унсурлар бизда қали қуритилгон эмаслар ва бунга газета бетларидаги қабар ва шикоятлар онли шохиддир ва шулар қаторида қалигидек қуруқ қасратқилар ҳам йўқ эмаслар. Аммо буларнинг қаршисида жони билан, тани билан ишчи-деҳқон саодатиға қурбон бўлиб бош тикқанлар ҳам қўб, жумладан, ўртоқ Охунқобоев бунинг тимсоли муқассамидир. Ул қар қачон, қар ерда қамқилик ва нуқсонларимиздан сўзлаб, бунинг учун қоралар, тақбирлар излашға, ҳам ишчи-деҳқон саодати йўлидаги тўсиқ қовларни олиб ташламоқ учун барқани қўмаққа қакқадир.

Биринчи устуннинг 25 нчи йўлидан бошлаб, иккинчи устуннинг 4 нчи йўлиғача бўлгон ўртоқ Охунқобоев тўғрисидаги гаплар ёлғиз унинг шу сифатида киноядир. Масалан, фақат кўча қаситиб, оғзақи қишқиш қилиб юрган анави қасратқилар қаршисида ўртоқ Охунқобоев активний равишда мажлис ва газеталарда қамқилиқларни қертиб отадир. «Қали-қу бу оғзақи қишқиша, аммо қчақи қун газетада... алх» (5 нчи йўл, биринчи устун), муқаддимаси шуни иқодалайдир.

Икинчи устун 5—6 нчи йўллардаги, — «Шуқур қорнинг тўқ, қайгинг йўқ, бас тинққина оқсоқоллигингни қилаверсанг бўлмайди?» жумласи шахсий қазил бўлиши баробарида, юқорида зикр қилингон қорни тўқ, бошқа қайғуси йўқ унсурлардан замзамадир. Яъни, айтилмаққиким: Эй Охунқобоев! Нега сен ҳам ўшалардек қорнингни

силаб ётсанг бўлмайдами? Аммо бу жумладан анави танпарастларга онглатилмокчи бўлингон, айтилмак исталинган маъно бундайдур: Эй Абдулхаклар ва эй тан бандалари, ўрток Охунбобоевдан нега намуна олмайсизлар, ул сизларга ўхшаш корним тўк, кайгим йўк, деб тинчкина ётибдирми? (Мана шу ўринда айтилган маънони куйидаги жумлалар, яъни кулгунинг кетиши ҳам таъкидлайдур).

Иккинчи устун 7 нчи йўлдан бошлаб, 13 нчи йўлнинг охиригача бўлгон «тузук, чакирим-пакиримингга маним ҳам каршилигим йўк...» жумласи эса ўрток оксоколнинг мазкур маърузасини дархакикат илтифот этишга лойик бир цифр эканини, бизнинг тўкис маориф маданиятгаг эришмагимиз учун яна катта фидокорликлар кераклигини кўрсатиб англатиш учун келтирилган.

Иккинчи устун 17 нчи йўлдан бошлаб, «Шу замондаги баъзи одамларга ажаб хайрон коламан, бир минг болага битта мактаб бўлса нимаю, ўн минг болага битта тўгри келса нима кайги?» жумласи билан, яна юкорида айтганимча, ўрток оксоколнинг чиндан ишчи-дехкон маорифи ва бошкаси учун гамхўр ва бош огритганини кўрсатмакчи ва шу гунохи, яъни мазлум халк маориф-маданияти йўлида ўз-ўзини машаккатлагани учун овсарона уни шилталамакчидирман. Бундог киноялик мадх аксар халк орасида истеъмом килинадур. Масалан, тиришкок ва жонкуяр бўлгон иккин биров ўзини овсарликка солиб, «кўй, нима керак сенга шунча ташвишни! Шукр, бир кунинг бўлса ўтиб турирдур: Беш кунлик дунёда сен ҳам тинчкина юрсанг-чи?» - дейидирлар.

Иккинчи устун 20 нчи йўлдан бошлаб, 3 нчи устуннинг бешинчи йўлигача бўлгон «муддао мирзабошиларни кўпайтириб идораларни ерлилаштириш бўлса... алх» кулгулари ёлғиз ўрток Охунбобоевнигина эмас, балки бошка ўртоклар диккати хам ерлилашдириш ва маданий маориф ишларига жалб килиш учун кўлланилгондир.

Маълумки, бизда икки хил зиёлилар бор: 1) эски, яъни Уктабргача бўлгон зиёлилар; 2) Янги Шўро зиёлийлари, такрорга хожат йўк; Инкилобгача бўлгон ва Уктабрдан кейинги зиёлийларни етиштирган омиллар ва шароит хаммага маълум. Шунинг учун, мен уларни тахлилига киришмай мазкур «Муштум» сонидagi зиёлийлар хакида бўлгон кулгулигим устида гапираман.

Учинчи устун 15 нчи йўлдан бошлаб, то 35 нчи йўлгача бўлгон гаплар мазкур икки хил зиёлийларни текширув максадида ёзилгондир. Масалан, «Ўрток Акмал (Икромов) Чўлпонбойнинг... шеъри билан зиёлийларнинг афтига туфургани холда, яна нима

учундир, хезлар тавба килса, уларга фирканинг кучоги очик! — деб, кўядир. Дархакикат, хезлар тавба килса, ўрток Акмал бу тавбага ишонадими, йўкми аммо унга айтадирган гапим бор...» Бу жумлалар зиёлийларни фирка кўзида тавба килгон бўлиб кўринуб, риёкорлик килмасинлар, тавбалари курук сўз беришдан иборат бўлмасин максатида айтилган. Мундаги харфан кузатилган муддао эрса мундог: Эй, зиёлилар! Сизлардаги баъзи бирилариингизнинг якин мозийдаги камбагаллар ҳўкуматиға берган зарарларингиз майдонда, бунинг учун меҳнаткашлар афтларингизга туфласалар ҳаклидирлар. Меҳнаткашларнинг кучоги бизга очик экан, деб риё билан меҳнаткашлар ишига аралаша кўрмангиз, чунки меҳнаткашнинг акли-хуши бошида, якин ўткан кунларингиз унинг кўз ўнгида. Эй, ўрток, Акмал, агар улардан биртаси мазкур риёкор мунофиқлик ҳолатида ишга аралашадиргон бўлса, сен бунга ҳазир бўл, эҳтиёт тур! Аммо тавба тўғрисида сенга айтадургон сўзим бор: «Мен ҳар куни худога тўккиз мартаба осий бўлиб, ўн саккиз мартаба тавба ва истиғфор айтаман». Яъни бу гапдан мурод, уларнинг тавбалари биздаги оддий маънода юрган тавбадан бўлмасин. Бу кунги фирка олдида килинадургон тавба тамоман янги, чин маънодаги тавба бўлсин, ҳар куни тўккуз мартаба истиғфор айтиб, ўн саккиз мартаба кайтадургон тавбадан меҳнаткашларга фойда йўк.

«Тавбага бўйин буккан банда бандаларнинг энг ярамасидур, куллуқ бунёд килгон расво, расволарнинг яна ашаддий расвосидир». Бу жумла билан, ўша оддий маънода бўлгон тавбани инкор килинадир, яъни тавба кулликдир, бўйин эгиш бандаликдир, банда эса ҳақиқатга тушуниб эмас, кучланиб, ожизланиб бўйин букадир. Бас, бу ҳолдаги тавба-тавба эмас, балки шахсий ихтиёрни, муҳокамани кўлдан бериб одамгарчиликдан чиқишдир. Бу дунёда тавба, куллуқ килиш бўлмасин, чунки бу расволик, аммо ҳақиқат олдида бўйин эгиш бўлсин. Узинг бир ҳақиқатга конмай туриб ва ўзингнинг ҳатойингга тушунмай туриб, факат ожиздан килингон тавба—тавба эмас, ҳам ўзгани алдашдир, расволикдир.

«Ўз бутунлигини саклай олмагон бошқага енг бўлолмайдир». Бу жумла юкорида айтилган ихтиёрий шахсни такрорлайдир. Яъни, шахсий бутунлик, мусталиқ шахсият куллик билан зиддир. Шахсий устунлиги бўлмагон, яъни ўзида ҳақиқатни ихтиёр кила билиш кучи тополмогон ожиз, ихтиёрсиз одамлар җамият учун фойдалиқ ва чин аъзо бўлолмаслар. Чунки, аксар мунофиқлик ва майдалиқ ихтиёрсиз ҳам ўзига ишончсиз ва имонсиз кишилардагина гавдаланиши илмий равишда исбот килингондир.

Мени маъюблар курсисига ўткизгон «Йигинди гаплар» маколасининг асли кузаткани ва ёзгувчисининг максати юкорида мазкур шарҳлардан иборатдир. Бундан бошқа маънолар чиқариб турлик эҳтимолларга бориб қайтиш ўринсиздир. Агар баъзи ўртоклар шундай мулоҳазаларга кеткан эканлар, бу эса кулгуликнинг, айниқса адабий кулгуликнинг бизда ҳали ёшлигидан ва ўзлашиб кетмаганлигидан келадир. Шуни ҳам

айтиб ўтишни, ёдларингизга солишни лозим топаманки, кулги маколадаги мустаор имзо маколанинг ҳаракатини аксар вақт ўз тарафига буриб юритадилар яъни музика ёзгувчининг мустаор шахсига лойик гаплар, жумла ва таъбирлар орқасидан эргашадур, маколанинг имзоси «Овсар» кўйилган, демак ундаги кўб таъбир ифодалар овсарона, далиёнадир. Тентакни тентак тинглайдир деганларидек, кулгуликдагина эмас, умуман сажиявий адабиётга якин тургон кишилар бу маколани шу нуктадан қараб текширсалар яна ҳам ҳақиқат очиладур. Масалан, маним кулгуликда ишлататурган неча турлик мустаор имзо яъни қаҳрамонларим бор: Қалвак Маҳзум, Тошпўлат, Овсар, Думбул, Шилгай ва бошқалар. Агар сиз шу имзолар билан ёзилган кулгуликларни текшириб чиқсангиз, мунда асли ёзгувчининг шахсини тамоман қўролмайсиз, фақат сўзни имзо эгасининг ўз оғзидангина эшитасиз. Қалвак Маҳзумни ўқинг: Қўбдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса ҳурофоти илан мияси говлагон ҳолис бир маҳалла имомини қўрасиз. Тошпўлатни ўқинг: Ишсиз, бири бит, бити сирқа бўлмагон ва шу фақирлик орқасида ўғрилиқ ва фахшият денгизида сузиб тажангланган ҳолис бир чапанини қўрасиз. Овсар ва Думбулларни ўқинг ва текширинг, ҳоказо.

Одил сидлардан сўрайманким, мен айбланган маколани, маним устимда турлик шубҳалар тугдиргон кулгулукни шу юқорида саналгон мезонларга солиб текширилса ва ҳуқум берилса экан. Кулгуликда улар айтқандек ёмон ният билан яширилгон ҳеч бир маъно йўқ. Ҳарна ёзилғони бир «Овсар» тилидан фақат ишчи-деҳқон манфаати қузатилиб айтилган, ҳуқумат кишиларига бўлгон гаплар ўртоқлик ҳазили, шахсий мазоҳор, мундан бошқа гаплар, маънолар бўлса юқорида бир даража таъдод (санамок —Ш. Қ.) қилуб ўтдим. Шохидлардан олий Судга мен қоралангувчи — қора курсида ўлтиргувчининг фақат шахсий адоват орқасида бу ҳолда тушунганим яхши англашилди, деб биламан. Мундоғ бўлса ҳам, яна бир даража шохидларнинг ўз сўзларидан ясаб, адолатлик судларнинг хотирларига тушуриб ўтаман:

1. Гувоҳлардан ўртоқ Левченконинг сўзига қарагонда, Ўрта бсиёда сиёсий жихатдан юқори ўринни ушлаган «ГПУ» 27 нчи соннинг дунёга чиқарилишига руҳсат берган. Яъни «ГПУ» нинг руҳсат беришидан шу маъно англишиладиқим, маним мазкур сондаги «Йигинди гаплар» мақолам судларга илмий ва адабий йўлда шарҳлаб берганимдек, зарарсиз, нафсониятлар айтган маънода эмасдир. Ҳам шундоқ бўлиши табиий. Йўқса, ҳар бир нуктани эринмай текшириш билан машҳур бўлган сиёсий идора 27 нчи сон «Муштум» нинг дунёга чиқарилишига йўл қўймас ва руҳсат бермас эди. Аммо бир неча шахслар бу мақолани ўзларининг, билмадим, қандоғдур тарозуларига солиб, зарарлик топишлари эрса, қаразғўйлик, тирноқ остидан қир излашдан бошқа нарсаси эмасдир.

2. Хуршид Шараф, маълумки, олгон таълимоти бўйича мени қораламоқчи бўлади. Лекин, ўрисларнинг «бигизни қопда... алх!», деган мақолларидек, унинг меним устимда бўлгон тухматлари, бўхтонлари ўзининг берган жавоблари орасида «манаман» деб қопнинг

корнини ёруб чикиб туради. Хуршиди тобон деганимиз ўзини жинниликка — тентакликка солиб каради. Аммо адолатлик судларнинг тўғри текширишлари ҳақиқатни оча боруб, ёлгон шохидни обдон довдиратди, алвон рангга киргизди. Мен унинг довдир шаходатининг ҳамма нукталари устида тўхтамайман. Чунки, улар муфасссал равишда, суднинг забтномасига киритилгандир. Аммо шунингга айтиб қўяманки, Хуршид дейдир: «Мирмухсин — мен «Бон-бон» деган манзумасини «босилмас...» деган эдим», деб айтди». Бу гап билан Хуршид, ўрток Мирмухсиннинг бир ваколатини содикона адо этмокчи эди. Бирок таассуфки, муваффакиятлик чикмади. Хуршид ўзининг бошқа шаходатлари каби «Мирмухсин босилмасин деб резолюция қўйгонди мен асраб тургон эдим», — деса ихтимолки, маним устимга огир юкни қўюб, эгасига содик колгон бўлар эди.

3. Зиё Саиднинг ҳақиқатка тескари, шаходати тўғриси унинг Коммунистик виждонига ҳавола киламан. Аммо бир неча нукталари устида тўхтаб олишга мажбурман: «Мухаррирнинг хонасига кируб, Комил билан Жулкунбойнинг жанжаллари устидан чикдим», дейдир. «Орада Санжар билан Гози Юнус ҳам бор эди», дейдир. «Ундан сўнг матбаага тушиб, архивни ахтариб юрсам, «Бон-бон» манзумаси чикди, карасам «Босилмасин. М.» деб имзо қўйилгон экан, лекин ўзим Хуршиднинг «Баҳри кадам» мақоласини олиш учун борган эдим», дейдир. «Шундан кейин «Бон-бон»ни папкамга солуб, идорага олиб бордим, ундан сўнг терговга топширдик», дейдур. Зиё Саиднинг бу сўзи нимани англатадир? Унинг бу сўзидан аниқ шу келиб чиқадики, ул «Баҳри кадам» мақоласини олиш учун бормагон, балки менга 114-статьяни бердириш нияти билан боргон. Чунки, конунан лозим эдики, архивни караганда, ёнига холис кишиларни чакируб текшириш ва акт килиш. Мана бу томондан ҳам маним устимга ишланган сохтагарлик ўз огзи билан айтуб турадур. Янада Зиё Саиднинг кеча берган жавоби ичидаги — «Муштум»да босилиши мувофиқ қўрилганлиги резолюция қўйилмагон мақолалар ҳам бўлар эди, — деган сўзи ҳам одил судлар учун шоёни диккатдир.

4. Энди облитнинг саркотиби ўрток Мильков устида тўхтайман. Мен тўғрилиқ орқасида, бош кетса «их» дейдирган йигит эмасман. Муқаддимадаги сўзимда айтдим: Мен ўша кун матбаага тушганимда, ёлғиз «Йигинди гаплар»дагина эмас, балки бошқа материалларда ҳам облитнинг штампаси йўқ эди. Энди бугун хайрон қоламан, бундаги штамплар қаёқдан келди, ёки бунда ҳам маним устимга бир юк ортмокчи эдиларми? Ўртокнинг дабба жавобидан маълум бўладирким, бу орада ҳар бир найранг курмокчи бўлгонга, ишни чалкаштируб меним бошимни котириб, довдиратмокчига ўхшайдирлар. Дарҳақиқат, гап шундай бўлмаса, облит деган масъул бир ўринда ўлтирувчи ўғил боланинг жавобини қаранг эмиш фирка ўргани бўлғони учун «Муштум»нинг материаллари текширилмасдан, устига штамп босилиб берилар экан. Бу ҳолда, журналнинг облитнинг рухсатисиз чиқара бериши лозим бўлмасмиди? Ҳар бир саҳифа материалга штамп босишнинг нима ҳолати ва карточка ёзишнинг қандай зарурати бор эди? Бу масала жуда муаммо. Тузук, облитнинг рухсати, яъни штампаси бўлиши маним учун зарарлик эмас, лекин ўзим матбаада материални қўрган чоғимда штамп йўқ эди...

Кискача таржимаи холими баён этиб, сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиман: Маколани зарарсиз ва журналга мувофиқ топиб босишга рухсат бергувчи Комилнинг ўзи эди. Бу кун ўз лавзидан кайтиб, виждони олдида кип-кизил ажива бўлгувчи, мени коралагувчи ва устимга бошка бўхтонларни такигувчи ҳам унинг ўзи бўлди. Уч ойлардан бери, матбуот саҳифаларида ўринсиз ва бошка, факат менга каратилис бўлгон ҳақсиз хужумлар, англашмовчиликлар, бемаза иснодлар ва жимжималик замзамаларнинг бош омили ҳам шубҳасиз Комил ва шериклари эди. Хулоса, адоват мамлакат рангида бўялди.

Сўзимнинг охирида, ўзимнинг асли гоё ва маслагим билан ҳам ҳозиримни кискача таништириб қўяйин: Мен Шарк озодлигини ва унинг мазлум пролетариат саодатини факат — Ленинизм орқасида вужудга чиқишига ишонган бир кишиман. Бу гапни сизнинг берадурган жазоингиздан кўркиб эмас, балки виждоним, имоним тазйиқи остида сўзлайман. Лекин бу озодликдаги чин курашувчилар — лавзсиз кўрқоклар, шахсий адоват орқасидан бахт кутқучи майда кишилар бўлолмаслар; аммо ўртоқ Лениннинг соғлом, улуг, газаматсиз, гидирсиз йўлига томон холис ниятда бел боғлагувчи қахрамонларгина бўлурлар. Маним ҳақимда ким нима деса десин, лекин мен Маркс ва Лениннинг хароратлик шогирдиман, чунки, мен Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомландим.

Сўзим охирида одил судлардан сўрайман: Гарчи мен турлик бўхтон, шахсият ва сохталар билан, ҳам англашилмовчиликлар орқасида, иккинчи окланмайдургон бўлиб кораландим. Лоакал уларнинг, кораловчи қора кўзларнинг кўнгли учун бўлса ҳам, менга энг олий бўлгон жазони бера кўрингиз. Кўнглида шамси губороти, тесқаричилик максоди бўлмогон содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқрокдир. Бир неча шахсларнинг орзусича, маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўркинч эмасдир. Одил судлардан мен шуни қутаман ва шуни сўрайман.

1926 йил, 16 июнь. Самарқанд